O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARQAND VILOYATI
SAMARQAND TUMANI
**HOKIMI**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
САМАРҚАНД ТУМАНИ
**ҲОКИМИ**

166

# QAROR

2007 йил "11" июл

№ 705-4

**«Кайнама» кишлок фукаролар йигини худудидаги А.Рашидов хусусий корхонасига кушимча тупрок кони очиш учун 1,2 га ер майдони ажратиш хакида.**

Узбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат килиш Давлат Инспекцияси (Саноатконтехназорат) томонидан берилган 2007 йил 5 январдаги 521-С сонли кон ажратиш далолатномаси, ишчи гурух томонидан тузилган ер ажратиш далолатномаси ва А.Рашидов хусусий корхонаси рохбарининг туман хокимлигига ёзган аризасини инобатга олиб Узбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддаси ва Узбекистон Республикаси «Ер ости бойликлари тугрисида»ги Конунининг 11,12 ва 18 моддаларига асосан

**К А Р О Р К И Л А М А Н:**

1. «Кайнама» кишлок фукаролар йигини худудида фаолият курсатиб келаётган А.Рашидов хусусий корхонасига кушимча тупрок кони очиш учун собик Ф.Косимова номли ширкат хужалиги ер харитасининг 390 контуридаги 1,2 га кишлок хужалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратиб берилсин.

2.«Ерга солик солиш тугрисида»ги Конунга асосан ер соликини ундириш ва 2008 йил 1 январ холатидаги туман ер балансига узгариш киритиш Давлат солик инспекцияси бошлиги З.Аминов ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри булими бошлиги Т.Шароповларга топширилсин.

3. Узбекистон Республикаси «Ер ости бойликлари тугрисида»ги Конунининг 18 моддасига асосан ер ости бойликларидан фойдаланиш чогида бузилган ер участкаларини улардан кейинчалик фойдаланиш учун ярокли холатга келтирилиш вазифаси А.Рашидов хусусий корхонаси рохбари Рашидов Абдухафизга топширилсин.

4. Ушбу карорни бажарилишини назорат килиш туман хокимининг биричи уринбосари вазифасини бажарувчи М.Турсунов зиммасига юклатилсин.

**Туман хокими:** [signature] **Б.Садуллаев**